

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**НОРБЕКОВА МУНИРА ХАМРАКУЛОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЭРКАКЛАРДАГИ КЎКРАК БЕЗИ**  
**САРАТОНИ КАСАЛЛИГИНИ ПАТОМОРФОЛОГИК ВА**  
**МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.15–Патологик анатомия**  
**14.00.14 – Онкология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Норбекова Мунира Хамракуловна**

Ўзбекистон Республикасида эркаклардаги кўкрак беги саратони касаллигини патоморфологик ва молекуляр-генетик хусусиятлари..... 5

**Норбекова Мунира Хамракуловна**

Патоморфологическая и молекулярно-генетическая характеристика рака грудной железы у мужчин в Республике Узбекистан..... 23

**Norbekova Munira Khamrakulovna**

Pathomorphological and molecular genetic characteristics of breast cancer in men in the Republic of Uzbekistan..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 46

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**НОРБЕКОВА МУНИРА ХАМРАКУЛОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЭРКАКЛАРДАГИ КЎКРАК БЕЗИ**  
**САРАТОНИ КАСАЛЛИГИНИ ПАТОМОРФОЛОГИК ВА**  
**МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.15 – Патанатомия**

**14.00.14 – Онкология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2023**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Tib2807 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Нишанов Данияр Анарбаевич**  
тиббиёт фанлари доктори

**Алимходжаева Лола Тельмановна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Расулов Хамидулла Абдуллаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Юлдашева Наргиза Шавкатовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2023 йил «28» 01 соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс (+99878) 150-78-25; e-mail: [ta2005@mail.ru](mailto:ta2005@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (925 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2023 йил «10» 01 да тарқатилди.

(2023 йил «10» 01 даги 5 рақамли реестр баённомаси).



**Г.И. Шайхова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.Ш. Алимухамедов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Р.Дж.Усманов**  
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда онкологик касалликлар долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Сўнгги йилларда жаҳон тиббий статистикасининг расмий маълумотларига кўра, дунёда онкологик касалликлар кўпаймоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) статистик маълумотларига кўра, « 2030 йилга бориб дунёда хавфли касалликлар 34 га чалинган 15 миллион инсонлар касал бўлиши, шунинг учун эрта ташхис қўйиш, шунингдек, жарроҳлик даволаш ва онкологик касалликларни тизимли даволашдан кейинги башоратлаш тизими ҳозирча аниқ эмас»<sup>1</sup>. ЖССТ аёлларда ташхис қўйилган кўкрак беzi саратонининг ҳар йили ўсишини таъкидлайди, аммо шунга ўхшаш онкологик касаллик эркакларда ҳам аниқланиши, бу жуда камдан-кам ҳолларда қайд этилади ва аниқланган умумий ҳолатларнинг 1% ни ташкил қилади, шу билан бирга бу касаллик тахминан 0,2 ни ташкил қилади. Эркакларда кўкрак беzi саратони бўйича илмий тадқиқотлар бутун дунёда олиб борилади, аммо улар кам, шу муносабат билан бизнинг тадқиқотларимиз эркаклардаги ушбу онкологик патологияни баҳолаш ва илмий тадқиқотлардаги бўшлиқни тўлдиришга ёрдам бериши, эркакларда кўкрак беzi саратонини эрта ташхислаш ва башорталашга бағишланган ноёб илмий тадқиқотлар ҳам мавжуд. Шу сабабли эркаклардаги кўкрак беzi саратони касаллигини патоморфологиква молекуляр-генетик хусусиятлар фундаментал тиббиёт ва онкологиянинг энг муҳим муаммоли масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда эркаклардаги кўкрак беzi саратони касаллигини патоморфологиква молекуляр-генетик хусусиятларини оптималлаштириш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада эркакларда кўкрак беzi саратонининг эпидемиологик ҳолати ва ёш хусусиятларини таҳлил қилиш, эркакларда кўкрак беzi саратонининг молекуляр генетик хусусиятларини касалликнинг ривожланишини башорат қилиш, касаллик даврида кўкрак беzi саратонининг қон томирлари зичлиги ва патоморфологик хусусиятларининг прогностик аҳамиятини баҳолаш, эркакларда кўкрак беzi саратонининг клиник, морфологик ва молекуляр генетик хусусиятларининг корреляциясини таҳлилқилиш ҳамда кўкрак беzi саратони билан хастланган эркак беморларни ташхислаш ва башорат қилиш алгоритминини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, эркакларда учрайдиган патологик ҳолатларда тўғри мақсадга йўналтирилган чора-тадбирларни ўтказишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга

---

<sup>1</sup> ЖССТ маълумотлари.

кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, эркаклардаги кўкрак беши саратони касаллигини патоморфологик ва молекуляр-генетик хусусиятларини оптималлаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ-2866-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлар ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги вақтда эркакларда кўкрак беши саратони ривожланишини башорат қиладиган омилларни фаол излаш олиб борилмоқда. Бироқ, ҳозиргача энг эрта ва энг муҳим прогностик омил саратон жараёнининг босқичидир: бирламчи ўсимтанинг катталиги ва минтақавий лимфа тугунларининг ҳолати (Acs G., Paragh G., Chuang S.T. et al., 2019; Acs G., Paragh G., Rakosy Z. et al., 2012; Baretta Z., Mocellin S., Goldin E. et al. 2016; Baum O., Suter F., Gerber B. et al., 2020; Bilecova-Rabajdova M., Urban P., Gregova K. et al., 2014). Шу билан бирга, эркакларда кўкрак беши саратони клиник ва морфологик маълумотлар, рентген ултратовуш ва морфологик тадқиқотлар натижалари асосида ташхисланади (Волченко А.А., Пак Д.Д., Усов Ф.Н., Фетисова Е.Ю., 2017; Дмитриев В.Н., 2015; Имянитов Е.Н., 2020; Колядина И.В., Поддубная И.В., Франк Г.А. ва бошқ., 2015; Снеговой А.В., Манзюк Л.В., 2021). Эркакларда кўкрак беши саратони учун хавф омиллари ёши, ирқи, ионлаштирувчи нурланиш, атроф-муҳитнинг салбий экологик ҳолати ва генетик мойилликдир (Cattin S., Fellay B., Pradervand S. et al., 2021; Criscitiello C., Disalvatore D., De Laurentiis M. et al., 2014). Экспериментал тадқиқотлар ва клиник кузатишлар эркаклар ва аёлларда сут безларида хавфли касалликнинг пайдо бўлиши ва ривожланишининг ўхшашлигини, шунингдек, эркаклар ва аёлларда кўкрак

---

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

саратони ривожланишининг этиологик ва патогенетик механизмларининг умумийлигини исботлашга имкон берди. Эркакларда кўкрак беzi саратонининг ирсий мойиллиги аёлларга қараганда ўн баравар кам учрайди ва кўкрак саратони эркакларда БРСА2 генида мутацияга учраган тақдирдагина ривожланади, бундан ташқари, эркакларда, аёлларда бўлгани каби, кўкрак беzi саратони ирсий бўлмаган бўлиши мумкин (Ehinger A., Malmstrom P., Vendahl P.O. et al., 2017). Оилавий кўкрак саратони билан оғриган оилаларда ўтказилган тадқиқотларда эркакларда 76% ҳолларда БРСА2 генидаги таркибий ўзгаришлар, 16% ҳолларда бу оилаларда БРСА1 генидаги мутациялар аниқланган (Aird W.C., 2012).

Мамлакатимизда турли тизим ва органларнинг турли патологик касалликларини эрта ташхислаш ва самарали даволаш тизими ташкиллаштириш, ўткир ва сурункали касалликларни асоратларни олдини олиш ва беморларни умр кўриш давомийлигини узайтириш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган (Тилишайхова М.Н., 2022; Джураев М.Д., 2022; Исроилов Р.И., 2022; Магрупов Б.М., 2022), бироқ, эркаклардаги кўкрак беzi саратони касаллигини патоморфологик ва молекуляр-генетик хусусиятларини оптималлаштирилмаган.

Бундай ҳолатнинг сабаблари, эркакларда ушбу нозологик шаклнинг камдан-кам учрайдиганлиги, таҳлил қилинган беморларни узок муддатли жалб қилиш жараёнида рўй берадиган диагностика ва даволаш ёндашувларининг ўзгариши, етарли миқдордаги ходимларни жалб қилиш учун узок вақт талаб этилади. Шунинг учун ушбу йўналишдаги илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш зарурлигини тақозо этади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №005.01.1500216 «Инсон ва тажриба ҳайвонлар организми ҳаёт фаолияти кўрсаткичларининг ҳар хил патологик омиллар таъсиридаги функционал, метаболик ва структур ўзгаришларнинг ўзига хослиги ва уларни коррекциялаш йўллари ҳамда эксперт баҳолашнинг янги имкониятлари» (2018-2022 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** молекуляр генетик тадқиқотларни жорий этиш ва янги текшириш алгоритмларини ишлаб чиқиш орқали кўкрак беzi саратони билан касалланган беморларни эрта ташхислаш ва прогнозлашнинг замонавий усулларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўзбекистон Республикасида эркакларда кўкрак беzi саратонининг эпидемиологик ҳолати ва ёш хусусиятларини таҳлил қилиш;

эркакларда кўкрак беzi саратонининг молекуляр генетик хусусиятларини касалликнинг ривожланишини башорат қилишдаги ўрнини баҳолаш;

касаллик даврида кўкрак беzi саратонининг қон томирлари зичлиги ва патоморфологик хусусиятларининг прогностик аҳамиятини баҳолаш;

эркакларда кўкрак беги саратонининг клиник, морфологик ва молекуляр генетик хусусиятларининг корреляциясини таҳлил қилиш;

кўкрак беги саратони билан хасталанган эркак беморларни ташхислаш ва башорат қилиш алгоритминини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент шаҳар онкология диспансери, Ўзбекистон Республикаси вилоятлар онкология шифохоналарида кўкрак беги саратони бўйича даволанган ва кузатилаётган 76 нафар эркакларнинг касаллик тарихи олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида эркакларда кўкрак беги саратони билан касалланиш статистикаси, клиник-лаборатор, ултратовуш, радиацион, гистологик ўсма некрозини, ўсма дифференциалланиш, ўсманинг лимфоцитлар томонидан инфильтрацияси, лимфо ва скуляринвазия, паренхиманинг нисбати, ўсма стромасига, жойлашишини, ўсма тўқималарининг таъсирланган томирлари нисбати, қон томир зичлиги индексини, иммуногистокимёвий тадқиқот (RE, RP, Her2/neu, KI67) материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Ўзбекистон Республикасида эркаклардаги кўкрак беги саратони касаллигини патоморфологик ва молекуляр-генетик хусусиятларини оптималлаштиришда клиник, иммуногистокимёвий, инструментал ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

RE, RP, Her2/neu, KI67 маркерларнинг эркакларда кўкрак беги саратони прогнозига таъсирининг аҳамияти, ўсимта томирларининг мавжудлиги ва зичлиги ўртасида тўғридан-тўғри пропорционал боғлиқлик мавжудлиги, беморларда проксимал омилларнинг башоратлаш тартиби асосланган;

текширув гуруҳларида аниқланган фенотипларда эркакларнинг ёши билан манфий эстрогенли ҳолат ўртасида боғлиқликни аниқлаш натижасида эркакларда кўкрак беги саратонини эрта ташхислаш ва олдини олиш тартиби исботланган;

касалликнинг босқичи ва ҳавф категориясига боғлиқ равишда онкоэпидемиологик мониторингни ўтказиш орқали эркакларда кўкрак беги саратони асоратларини олдини олишга қаратилган ташхислаш тартиби асосланган;

эркакларда кўкрак беги саратони ўсмали томирларнинг гетерогенлигини инобатга олган ҳолда касаллик ривожланишининг клиник-морфологик ва молекуляр-генетикомилларни баҳолашнинг аҳамияти исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

эркакларнинг ёш хусусиятлари касалланиш нуқтаи назаридан баҳоланган;

бирламчи тиббий-санитария ёрдами шифокорлари томонидан эътиборга олинishi, бу эркакларда кўкрак беги саратонини эрта ташхислаш ва олдини олиш бўйича эътибор ва муаммоларни ҳал қилишга ёрдам берган;



онкоэпидемиологик мониторингни ўтказиш саратонга қарши кураш, саратон, эркакларда кўкрак беши саратони профилактикаси бўйича ишларни ташкил этиш масалаларини ҳал қилинган;

эркакларда кўкрак беши саратонининг эпидемиологияси, этиологияси, эрта ташхиси ва башоратлаш муаммолари ечимини топган;

эркакларда кўкрак беши саратони ривожланишининг клиник, морфологик ва молекуляр биологик хусусиятларини аҳамияти исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, иммуногистокимёвий, инструментал ва статистик тадқиқот усуллар асосида Ўзбекистон Республикасида эркаклардаги кўкрак беши саратони касаллигини патоморфологик ва молекуляр-генетик хусусиятларини оптималлаштиришнинг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон Республикасида эркаклар орасида кўкрак беши саратонининг онкоэпидемиологик ҳолатини таҳлил қилиш, замонавий ва эрта ташхислаш тизимини татбиқ этиш, хавф омилларни башоратлаш ёшга боғлиқ кўрсаткичлари, бу патологиянинг мумкин бўлган хавф омилларини назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти касаллик кўрсаткичларининг мамлакатимизда эркаклар орасида кўкрак беши саратонининг онкоэпидемиологик ҳолатини таҳлил қилиш, олинган натижалар иммуногистокимёвий таҳлили қилиш орқали касалликни қиёсий баҳолаш, кўкрак беши саратонининг молекуляр биологик белгилари ташхислаш, ўсмадаги қон томир зичлигини ташхислаш орқали эркакларда кўкрак беши саратони ривожланиш хавфи юқори бўлган беморлар гуруҳини ажратиш, шунингдек, касалликни башоратлаш имконини берганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон Республикасида эркаклардаги кўкрак беши саратони касаллигини патоморфологик ва молекуляр-генетик хусусиятларини оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбекистон Республикасида эркаклардаги кўкрак беши саратони касаллигини патоморфологик ва молекуляр-генетик хусусиятларини оптималлаштириш бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасида эркакларда кўкрак беши саратони касаллигининг молекуляр генетик ва патоморфологик хусусиятлари» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 16 сентябрдаги 8н-з/471-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома эркакларда кўкрак беши саратонини эрта ташхислаш ва даволаш усулларини

такомиллаштириш ҳамда беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

Ўзбекистон Республикасида эркаклардаги кўкрак беzi саратони касаллигини патоморфологик ва молекуляр-генетик хусусиятларини оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд ва Сирдарё вилоят фиаллари амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 2 декабрдаги 08-38373-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши ёш катталашиб борган сари эркакларда кўкрак беzi саратонини эрта ташхислаш, самарали даволаш тартибини ишлаб чиқиш, эрта башоратлаш, операциядан кейинги реабилитация даврини яхшилаш, ўлим кўрсаткични камайтириш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 1 таси республика ва 2 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Ўзбекистон Республикасида эркакларда кўкрак беzi саратонининг патогенези, эпидемиологик ва этиологик хусусиятлари» деб номланган биринчи бобида иккитадан иборат адабиётлар шарҳига бағишланган жаҳон адабиёти маълумотларини таҳлил қилувчи кичик бўлим; эркакларда кўкрак беzi саратони этиологияси, патогенези, диагностика имкониятлари, даволаш ҳолати ва прогнози келтириб ўтилган. Адабиётларни кўриб чиқишдан мақсад эркакларда кўкрак беzi саратони

прогнозининг кўп жиҳатларининг ноаниқлигига қаратилган. Эркак популяциясининг кам касалланиши, лекин юқори ўлим даражаси, шунингдек, эркаклар ва аёллар ўртасидаги фундаментал анатомик ва физиологик фарқлардан келиб чиққан ҳолда, эркаклар ўртасида халқаро клиник тадқиқотлар ўтказиш учун муайян ҳаракатлар қилишга этилади. Эркакларда кўкрак беzi саратони биологиясини тушуниш, эрта ташхис қўйиш орқали касалликни аниқлаш, даволаш тактикасини ва ушбу касалликнинг прогнозини такомиллаштириш тўғрисидаги маълумотлар орқали таҳлил қилинган материални умумлаштирувчи хулосалар билан ушбу боб яқунланади.

Диссертациянинг «Тадқиқотнинг материал ва текшириш усуллари» деб номланган иккинчи бобида текширилган беморларнинг умумий хусусиятлари, шунингдек, қўлланиладиган тадқиқот усуллари ҳақида маълумот беради. Белгиланган мақсад ва вазифаларга мувофиқ 2011 йилдан 2021 йилгача (10 йил) Республика онкология маркази ва унинг филиалларидан олинган маълумотларга кўра эркакларда кўкрак беzi саратони билан касалланган барча ҳолатлар бўйича тиббий статистик маълумотлар билан ўрганиш ўтказилди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасида эркакларда кўкрак беzi саратони камдан-кам ҳолларда ташхисқилинади, шунинг учун бизнинг тадқиқотимиз биринчи навбатда эркакларда кўкрак беzi саратони патологиясини олдини олишга қаратилган бўлиб, касалликни эрта ташхислаш орқали келажакда айрим хавф омилларини бартараф этиш, ўз вақтида аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг катта вақт оралиғи Ўзбекистон Республикасининг онкология муассасаларида ташхис қўйилган, республика ҳудудида турли хил соматик касалликлари бўлган эркакларнинг турли ёш гуруҳлари ўртасида касалланиш кўрсаткичларини ўрганиш зарурати билан изоҳланади.

Эркакларда кўкрак беzi саратонининг ўрганилган ҳолатлари Халқаро касалликлар таснифига (ХКК-10) мувофиқ гуруҳланган.

Ўтказилган тадқиқотлар Ўзбекистон Республикасида онкологик касалликларнинг умумий сонига нисбатан ҳар йили ташхис қўйилган беморларнинг чекланган сонига ва тадқиқот ўтказиш даврининг давомийлигига қарамай, эркакларда кўкрак беzi саратони билан касалланишнинг статистик кўрсаткичларидан фойдаланиш имкониятини ошириб берди.

Шуни таъкидлаш керакки, ўрганиш даврида эркакларда кўкрак беzi саратони ташхиси қўйилган ҳолатлар сони чекланганлигини ҳисобга олсак, ўрганилаётган саратон касаллигидан ўлим даражаси юқорилигича қолмоқда.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, замонавий биотиббидат статистикасида қўлланиладиган умумэтироф этилган методологияни мослаштириш мақсадга мувофиқдир ва шу муносабат билан эркакларда кўкрак беzi саратони билан касалланиш даражасини таҳлил қилиш қуйидаги кўрсаткичлар бўйича таснифлаш таклиф этилади:

1. Онкологик тиббиёт муассасалари, беморларнинг сони ва ёши, касалликнинг клиник хусусиятлари ва касаллик диагностикаси усуллари бўйича рақамли маълумотларни тўплаш ва ўрганиш.

2. Эркакларда кўкрак беи саратонининг олдини олиш, эрта ташҳислаш, даволаш ва прогнозлаш бўйича чора-тадбирларни қўллаш самарадорлигини баҳолаш ва ўрганиш.

Диссертацияиши Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази (РиОваРиАТМ), Тошкент шаҳар онкология диспансерида, вилоят онкология бўлимида кўкрак беи саратони билан даволанган ва кузатилаётган 76 нафар эркакларнинг касаллик тарихини ретроспектив таҳлил қилишга асосланган. Тадқиқотга Ўзбекистон Республикасида яшаган 44 ёшдан 95 ёшгачабўлганкасаллар олинган (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Кўкрак беи саратони билан оғриган беморларнинг ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши

Беморлар ёши (йиллар бўйича)	Беморлар сони, (абс.,%)	Ёш йиллар, (ўртача)	P
44 – 49 ёш	6 (7,9%)	46,5	<0,001
50– 59 ёш	11 (14,5%)	54,5	<0,001
60 – 69 ёш	21 (27,6%)	64,5	<0,001
70 – 79 ёш	26 (34,2%)	74,5	<0,001
80 – 95 ёш	12 (15,8)	87,5	<0,001
<b>44-95 ёш</b>	<b>76</b>	<b>65,5</b>	

Кўкрак беи саратони билан оғриган беморларнинг ёши 44-95 (ўртача 65,5) ёшни ташкил қилган. Тадқиқотда эркакларда кўкрак беи саратони 60 ёшдан 79 ёшгача бўлган беморлар тоифасида энг кўп учрайди - 47 (61,8%).

Кўкрак беи саратони клиник ташҳиси бўлган барча беморлар умумий клиник ва махсус тадқиқот усуллариини ўз ичига олган стандарт комплекс текширувдан ўтказилган.

Барча беморларда операциядан кейинги патологик материал асосида онкологик жараённинг тарқалиш даражаси, ўсимтанинг гистологик тузилиши ва унинг бошқа муҳим патогистологик кўрсаткичлари аниқланди.

2-жадвалга мувофиқ 60 ёшдан ошган ва 80 ёшдан кичик эркакларнинг ўрганилган категориясида кўкрак беи саратони ҳолатларининг ярмидан кўпи аниқланган, мос равишда 47 беморда (61,8%). Популяциянинг ушбу ёш оралиғи саратон ташҳиси ва прогнозида ҳисобга олиними керак бўлган хавф гуруҳи ҳисобланади, шу билан бирга, текширилган 5 гуруҳдаги ёш фарқлари статистик аҳамиятга ҳам эга ( $p<0,001$ ).

**FIGO-ЖССТ анатомик таснифи бўйича кўкрак беи саратони билан оғриган беморларни ёш гуруҳлари бўйича босқичма-босқич ажратиш**

Касалликнинг босқичи	44-49 ёш, (%)	50-59 ёш (%)	60-69 ёш (%)	70-79 ёш (%)	80-95 ёш, (%)
I	1 (16,7)	2 (18,2)	2 (9,5)	3 (11,5)	1 (8,4)
II	1 (16,7)	2 (18,2)	3 (14,3)	4 (15,4)	2 (16,8)
III	2 (33,3)	3 (27,3)	7 (33,4)	9 (34,6)	4 (33,6)
IV	2 (33,3)	4 (36,3)	9 (42,8)	10 (38,5)	5 (41,2)
Жами (76)	6(7,9)	11 (14,5)	21 (27,6)	26 (34,2)	12 (15,8)

Эркакларда кўкрак беи саратони тарихини ўрганиш жараёнида дастлабки (клиник) ташҳисдан, кейинчалик жарроҳлик ва даволашдан сўнг, шунингдек рецидив ва узоқ метастазларнинг кекса ёшни ҳисобга олган ҳолда ривожланиши беморларнинг ушбу касалликдан ўлим даражаси анча юқори бўлишига олиб келади.

Тадқиқотга киритилган кўкрак беи саратони билан оғриган беморларни касал хонага ётқизиш муддати симптомлар бошланишидан бошлаб 1 йилдан 3 йилгача бўлган.

Бизнинг тадқиқот усуллари ўсимта томирларининг келиб чиқиши ва морфологик хусусиятлари касалликнинг прогнози учун ҳам, ўсимтанинг даволанишга сезгирлигини баҳолаш учун ҳам муҳим бўлганлиги сабабли йўналишни олдиндан белгилаб берди.

Ҳозирги вақтда ўсма томирларининг турли хусусиятлари, уларнинг патологик жараёндаги клиник ва морфологик хусусиятлари, касалликнинг прогнози ва даволанишга сезгирлиги билан боғлиқлигини ҳисобга оладиган стандарт тасниф мавжуд эмас.

Юқорида айтилганлар муносабати билан тадқиқотда асосий гуруҳда аниқланган, Ўзбекистон РИО ва РИАТМ, Тошкент шаҳар онкология диспансери ва вилоятлар онкология шифохоналарида кўриқдан ўтган ва даволанган 48 нафар кўкрак беи саратони билан касалланган бемор иштирок этди. 2-гуруҳда эса 28 нафар КБС билан касалланган беморлар олинган.

Бизнинг тадқиқотимизда гуруҳлар қуйидагиларга бўлинган:

**1-гуруҳ-** 48 нафар кўкрак беи саратони билан оғриган, радикал даволанишдан сўнг, 5 йил давомида рецидив ва метастазлар ривожланмаган;

**2-гуруҳи-** 28 нафар кўкрак беи саратони билан оғриган беморлар, радикал даволашдан сўнг, динамик кузатув давомида онкологик жараённинг агрессив ривожланиши кузатилган.

Гуруҳларда беморларнинг касаллик тарихини ўрганиш шуни кўрсатадики, гуруҳларда эркакларда кўкрак беи саратонининг асосий ташҳиси кўкракни пайпаслашдир, бундан ташқари беморларда ареола соҳасидаги оғриқ синдроми бўлиши, кўкрак қафаси ёки қўлтиқ остидаги

оғриқни бўлиши, кенгайган лимфа тугунлари ҳақида шикоят қилиши ташҳисни аниқлаштиришда ёрдамчи кўрсаткичлар бўлиб ҳисобланади.

Асосий ва назорат гуруҳларида кўкрак беzi саратони билан оғриган беморлар кенг қамровли текширувдан ўтказилди, жумладан лаборатория ва инструментал тадқиқотлар, ултратовуш, камдан-кам ҳолларда МСКТ ва МРТ тадқиқотлари, шунингдек, операциядан кейинги материалнинг гистологик текшируви. МСКТ тадқиқотига қўшимча равишда магнит-резонанс томография маҳаллий тарқалиш ва унинг яқин атрофдаги органлар ва анатомик тузилмаларга бостириб киришини баҳолаш учун ишлатилган.

Ҳатто тўлиқ жиҳозланган клиникада ҳам, динамик кузатув ёки эркакларнинг профилактик текшируви пайтида ўтказиб юборилган хавфли ўсма ҳолатлари бўлиши мумкин, бу беморларнинг касаллик тарихида ҳам тасдиқланади, яъни иккала гуруҳдаги барча беморлар ўз-ўзидан кейин шифокорларга муурожаат қилишади.

Асосан, бу ҳолат сут безларининг пайпасланмайдиган шакллари аниқлаш билан боғлиқ бўлиб, эркакларда сут безлари патологиясини ташхислашда энг қийин ҳисобланади, юқорида айтиб ўтилганидек, саратоннинг эрта шакллари аниқлаш саратон прогнозини яхшилади.

Аёлларда кўкрак беzi саратони диагностикаси яхшиланганига қарамай, эркаклардаги каби сут безлари тўқималарининг зич тузилишига эга бўлган пайпасланмайдиган шаклланишларни аниқлаш алоҳида муаммо бўлиб қолмоқда. Палпация қилинмайдиган шакллар оғриқли ҳис-туйғуларни келтириб чиқармайди ва эркаклар кўкрак тўқималарининг юқори зичлиги билан уларнинг кичик ўлчамлари туфайли узок вақт давомида патологиянинг мавжудлигидан хабардор бўлмаслиги мумкин.

Беморни эрта ташхислашда муҳим аҳамиятга эга мураккаб инструментал диагностика ва ўсма томирларининг зичлигини аниқлашнинг комбинацияси бўлиб, бу оптимал натижага эришиш ва эркакларда кўкрак беzi саратонидан ўлимни камайтириш имконини беради.

Тадқиқот учун материалдан учун атрофдаги ҳужайрали тўқималарга эга бўлган ўсимта тўқимаси олинган. Олинган намуналар нейтрал формалиннинг 10% эритмасига жойлаштирилди, стандарт процедура бўйича олиб борилди ва керосинга солинган. Қалинлиги 3-4 мкм бўлган бўлаклар Маер гематоксилин ва эозин билан бўялган. Препаратлар Оптика Б-350 микроскопи (Оптика, Италия) ёрдамида микроскоп учун рақамли камера ДСМ500 видео камераси ёрдамида ўрганилди.

Касаллик тарихига кўра, оила тарихи (биринчи ва иккинчи авлоднинг бевосита қариндошларида кўкрак беzi шиши мавжудлиги) иккала гуруҳдаги беморлар томонидан тасдиқланмаган.

Диссертациянинг «**Эркакларда кўкрак беzi саратони клиник-патоморфологик параметрларининг тизимли таҳлили**» деб номланган учинчи бобида текширилган беморлада кўкрак беzi саратонининг патоморфологик хусусиятлари, шунингдек, қўлланиладиган тадқиқот усуллари ҳақида маълумот беради.

КБС эркакларда кўкрак безининг ёмон сифатли ўсмаси бўлиб, унинг кечиши, даволашга жавоби ва прогнози кенг диапазонда ўзгариб туради.

Гистологик маълумотлар ўзида муҳим маълумотни сақлайди ва даволаш тактикасининг танловига ва касаллик оқибатининг прогнозига кучли таъсир қилади, ўсманинг биологик табиати ва унинг асосий хоссаларини акс эттиради.

Маълумки, ўсмали жараён маҳаллий тарқалишининг ортиши билан рецидивлар ва узоқ метастазларнинг ривожланиш хавфи сезиларли ортади, оқибатда рецидивсиз ва умумий яшовчанлик кўрсаткичлари пасаяди, бу эса бизнинг тадқиқотимизда ўз аксини топди.

Ўтказилган таҳлил асосида рецидив ёки метастаз ривожланишининг бирламчи ўсманинг ёндош органлар ва тузилмаларга тарқалиши, ўсмали тромбнинг мавжудлиги ҳамда касалликнинг босқичи каби кўрсаткичлар билан тўғри ўзаро боғлиқлиги аниқланди. 3-жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, тадқиқотда инфилтратив кўкрак беги саратони бўлган беморлар асосий гуруҳда (32 бемор ёки 66,6% - яъни гуруҳдаги барча беморларнинг 2/3 қисми) ва назорат гуруҳида (19 бемор ёки 67,8%) ни ташкил қилади.

### 3-жадвал

#### Кўкрак беги саратони билан оғриган беморларнинг гуруҳларга бўлиниши ўсимтанинг гистологик тузилишини ҳисобга олган ҳолда

КБС гистологик вариантларининг характеристикаси	Жами (n=76)	1- гуруҳ (n=48)		2- гуруҳ (n=28)		P
		абс	%	абс	%	
Инфилтратив-кўкрак беги йўллари саратони	51	32	66,6	19	67,8	<0,01
Инфилтратив-кўкрак беги бўлакли саратони	17	11	22,9	6	21,4	<0,01
Аралаш саратон	3	2	4,2	1	3,6	>0,05
Педжет саратони	5	3	6,3	2	7,2	>0,05

Ўтказилган таҳлил асосида дифференциация даражаси ва касалликнинг оқибати орасида корреляция аниқланди, бу ҳолат эса одатда КБС паст дифференциация қилинувчи шаклларида аниқланадиган антигенли соддалашувнинг ўсиб бориши билан боғлиқ бўлган ўсма вирулентлигининг ортиб бориши билан изоҳланиши мумкин. Бу эса ўз навбатида метастазланиш хусусиятига стимулловчи таъсир этади. Паст ва дифференциация бўлмаган ўсмалари бўлган пациентлар орасида касалликнинг зўрайиши кузатилиб, бу эса прогнознинг номақбул омили бўлиб хизмат қилди.

Бундан ташқари тадқиқотлар шуни кўрсатадики, эркакларда кўкрак беги саратонига эрта ташхис қўйиш зарурати ва беморларнинг шифокорга кечки босқичларда мурожат этиши долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Диссертациянинг «Эркакларда КБС биологик кичик турларининг касалликни прогнозлаш ва кечишида уларнинг ролини баҳолаган ҳолда молекуляр-генетик ўзига хос эканлиги» деб номланган тўртинчи бобида текширилган беморлада кўкрак беи саратонини биологик кичик подтипларининг хусусиятлари ва унинг касалликни кечишидаги аҳамияти, шунингдек, қўлланиладиган тадқиқот усуллари ҳақида маълумот беради.

Ҳозирги кунда диагностика, даволаш ва прогнозда аҳамиятга эга бўлган кўпгина янги маркерларнинг аҳамиятини аниқлаш ханузгача илмий тадқиқотларнинг предмети бўлиб қолмоқда.

КБС беморларда RE ва RP экспрессиясини аниқлашнинг аҳамиятини ҳисобга олиб, ҳамда КБС беморларнинг ёшлик даврида уларнинг хусусиятларини аниқлаш мақсадида ушбу тадқиқотда уларнинг ўрганилиши ўтказилди. Олинган натижаларга биноан, RE ва RP мусбат экспрессияси (RE+/RP+) 37 та (46,2%) беморда; RE манфий ва RP мусбат (RE-/RP+) 6 та (7,5%) беморда; RE мусбат ва RPу манфий (RE+/RP-) 12 та (15%) беморда; манфий RE ва RPу (RE-/RP-) 25 та (31,2%) беморда аниқланди (4-жадвал).

#### 4-жадвал

#### Эстроген ва прогестерон экспрессиясининг мавжудлиги кўрсаткичлари

Фенотип	Беморлар сони, n=76 (%)
RE+/RP+	37 (46, 2%)
RE+/RP-	6 (7, 5%)
RE-/RP+	12 (15%)
RE-/RP-	25 (31, 2%)

КБС биологик хусусиятлари ўзига хос бўлгани учун, жумладан янада тажовузкор кечиши, номақбул прогноз, пролиферациянинг юқори кўрсаткичлари ва касалликнинг босқичлари, рецепторли ҳолат кабилар, хусусан RE ва RP билан боғлиқ бўлган ёшга оид хусусиятларнинг ўрганилиши ўтказилди. Олинган маълумотлардан кўришиб турибдики, эркаклар КБС (RE+/RP+) ҳолатига эга бўлган беморлар энг кўп учраган; ёшга оид гуруҳларни таҳлил қилганда ушбу ҳолат ёшга оид гуруҳларда бир хил частота билан учраган бўлиб, 29,7% ташкил қилди; каттароқ ёш гуруҳида (79-95 ёш) – 24,3%; манфий ҳолат (RE-/RP-) кўпчилик беморларда аниқланди - 31,2%; бу ҳолатда кўпчилик беморлар 49-79 ёшда бўлиб 35,1% ташкил этди; КБС беморларда (RE-/RP+) ҳолат 15,0%; 49-59 ёшдаги беморлар 13,5% ташкил қилди; 44-59 ёшда эса ушбу ҳолат аниқланмади; (RE+/RP-) ҳолатои КБС барча беморлари орасида кам ҳолатда учради - 7,5%; ёшга оид ажратиб кўрилганда ушбу ҳолат энг кўпи 44-59 ва 79-95 ёшларга хос бўлди – 5,4%.

КБС беморларда Her2/neu экспрессиясини ўрганиш шуни кўрсатдики, беморларда рецидивлар ва метастазларнинг вужудга келиш частотасини аниқлаш учун HER2/neu онкогеннинг амплификацияси бошқа прогностик



омилларга қараганда алоҳида аҳамиятга эга эканлиги кўрсатиб ўтилган, шу муносабат билан КБС беморларда ушбу маркер экспрессия даражаларининг хусусиятларини ўрганиш амалга оширилган (5-жадвал).

#### 5–жадвал

#### Her2/neu аниқланган экспрессиясига боғлиқ равишда беморлар сони

Онкологик оқсилHER2-neu	-0	+1	+2	+3
Беморлар сони (n=76)	33(43,4%)	16 (21,1%)	11 (14,4%)	16 (21,1%)

Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, 33 та беморда КБС хужайраларида Her2/neu экспрессияси мавжуд бўлмай (Her2/neu(-) манфий фенотип), у 43,4% ташкил этди; 16 та беморда (21,1%) суст мусбат Her2/neu (1+) фенотип; Her2/neu (2+) мусбат фенотип 11 та беморда- 14,4%; уч карра мусбат (Her2/neu (3+) 16 та беморда (21,1%) аниқланди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики молекуляр кичик турларнинг эркаклар кўкрак беги саратонида муҳим прогностик аҳамиятга эга эканлиги исботланди.

Эркаклар КБС беморларида касалликнинг кечишига таъсир этувчи молекуляр-биологик маркерлар хусусиятларининг ўрганилиши амалга оширилди. Маълумки, кекса ёшдаги эркакларда КБС ўзининг хусусиятларига эга бўлиб, бу ҳолат унинг тажовузкорлиги ва номақбул кечишини белгиловчи ўсманинг биологияси билан боғлиқдир. Шу билан боғлиқ тарзда КБС беморларда қуйидаги маркерлар ўрганилди: RE, RP, Her2/neu, KI67. Ҳозирги кунда КБС ўсманинг рецепторли ҳолатини аниқлаш беморларни даволаш тактикаси ва уларнинг кейинчалик мониторингини аниқлаш учун мажбурий шарт сифатида кўрилмоқда. Her2/neu мембранали гликопротеиднинг ўрганилиши ҳам алоҳида қизиқиш уйғотиб, ушбу маркер энг истиқболи бор ҳисобланади, унинг даражаси касаллик рецидивларининг вужудга келиши, метастазларнинг пайдо бўлишидан ўзгаради, бу эса ёмон оқибатни келтириб чиқаради.

Текширув гуруҳларида аниқланган фенотипларда беморларнинг ёши билан манфий эстрогенли ҳолат боғлиқлиги аниқланиб, у 60 ёшдан катта эркакларда ёмон прогнози белгилаб беради. Her2/neu экспрессиясининг ўрганилиши экспрессия даражасининг бевосита беморларнинг ёшига боғлиқ эканлигини кўрсатиб, бу ҳолатда у 44-46 ёшда яққол намоён бўлди, бу эса нафақат прогнознинг ёмон омили, балки рецидивларнинг хавфини ҳам оширади. РГЖ ўзига хос эканлигини ўсманинг биологик кичик турларига боғлиқ равишда ўрганиш шу кўрсатдики, люминал В Her2/neu- ва уч карра негатив билан беморлар мос равишда кўпчилик ҳолатларда аниқланди, бу ҳолат ҳам агрессив кечиши ва касаллик манфий прогностик фонини тасдиқлайди.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ўсма хужайраларининг юзасида RE/RP йўқлиги касалликнинг агрессив кечишига туртки бўлади,

